

# Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2025 йил  
28 ноябрь,  
жума  
№ 48  
(1082)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## СТАТИСТИКА СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ БОРИШИ ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг ҳисоботи билан танишди.**

Жорий йил февраль ойида “Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинган эди. Фармонга кўра, Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги Миллий статистика қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди ҳамда статистика ишлари самардорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Йиғилишда ўтган даврда амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Жумладан, идоралараро маълумот алмашинуви кенгайтирилиб, 60 та интеграция жорий этилгани натижасида ҳисобот юкланмаси 27 фоизга қисқарди. Шу жумладан, солиқ органларининг онлайн-касса маълумотлари, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари ва ҳосил тўғрисидаги маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда қабул қилиш йўлга қўйилди.

Йиғилишда ялпи миллий маҳсулотнинг номинал ҳажмини ҳисоблашнинг яхшилаш бўйича қилинган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Бозор хизматлари, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, саноат ва бюджет харажатларини статистика билан янада кенгроқ қамраб олиш натижасида қўшимча 81 триллион сўм қўшилган қиймат инobatга олиниб, 2024 йил якунлари бўйича ЯИМ ҳажми 115 миллиард доллардан 121,4 миллиард долларга ошди.

Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт улуши 2017 йилдаги 50 фоиздан 2024 йилда 35 фоизгача камайгани таъкидланди. Яқин истиқболда яна 79 триллион сўмлик норасмий иқтисодиётни статистика билан қамраб олиш, яширин иқтисодиёт улушини 29 фоизгача тушириш имконияти мавжудлиги маълум қилинди.

Президентимиз глобал бозорда электрон савдо ҳажми жадал ўсаятганини таъкидлади. Мамлакатимизда бу соҳанинг ўсиш суръатлари 9-11 фоизга етиши кутилмоқда. Шунингдек, ахборот технологиялари ва масофавий хизматлар, фриланс каби янги соҳалар тез ривожланыпти. Миллий статистика тизими олдида бу соҳаларни ҳам қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар тургани кўрсатиб ўтилди.

Истеъмол нархлари индексини тузишда маълумотларни қўлда йиғиш амалиётидан воз кечиби, АТ ва сунъий

интеллект технологияларига босқичма-босқич ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Миллий статистикани замонавий ва халқаро даражада тан олинадиган тизимга айлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Халқаро “Deloitte” консалтинг компанияси томонидан 23 та ташаббус ва 70 та лойиҳа ишлаб чиқилгани айтилди. Уларни босқичма-босқич амалга ошириш статистиканинг аниқлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Бундан ташқари, Жаҳон банки билан биргаликда 2030 йилгача бўлган даврда статистикани ривожлантириш миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Келгуси йил январь ойида бошланадиган аҳолини рўйхатга олиш ишларига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Ҳозиргача 9008 та маҳалла бўйича ташкилий режалар тасдиқланди, рўйхатга олишда иштирок этувчи 60 минг нафардан зиёд “маҳалла еттилиги” вакиллари ва масъул ходимлари учун махсус ўқув курслари ўтказилди.

Рўйхатга олиш электрон шаклда – махсус портал орқали ўтказилади. Маълумотлар порталга рўйхатга олув-

чилар томонидан уйма-уй юриб, планшет қурилмалари ёрдамида киритилади. Жараёнлар геоахборот тизими орқали мониторинг қилиб борилади. Бунинг учун рўйхатга олинадиган хонадонлар ва турар жойларнинг геомаңзиллари шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда бу борадаги ишларнинг тайёргарлик ҳолати юзасидан ҳисобот берилди.

Рўйхатга олиш жараёнларини янада такомиллаштириш йўллари, шу жумладан, рақамли платформалардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш, хорижга ишлаш, ўқиш ёки хизмат сафарига кетган фуқароларни рўйхатга олиш, уйма-уй ва онлайн тўпланган маълумотларни интеграция қилиш бўйича аниқ ечимлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз аниқ, тезкор ва ишончли статистика давлат сиёсатини белгилаш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим омили эканини қайд этиб, соҳани стратегик ёндашув асосида трансформация қилишни давом эттириш топширилди.

Мутасаддиларга аҳоли ва қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини юқори савияда ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

**Мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда хавфсизликни таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.**

### ■ Моҳият



## Йўл ҳаракати қоидаларини ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилишига, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади**

Жумладан, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини ошириш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, йўл ҳаракатининг ташкил этилишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган мустақкам ҳуқуқий база яратилгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг 8 ойи мобайнида республикаимизда умумий йўл-транспорт ҳодисалари 2,4 фоизга, тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатлар 1,5 фоизга, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 5,6 фоизга, пиёдалар иштирокида содир этилган



**Кутбиддин БУРҲОНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенати**  
**Мудофаа ва хавфсизлик**  
**масалалари**  
**қўмитаси раиси**

йўл-транспорт ҳодисалар 1,6 фоизга камайишига эришилди.

(Давоми 3-бетда) ►

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**27 ноябрь куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фавқулодда ва мухтор элчилар – Греция Республикасидан Параскеви Цевелеки, Индонезия Республикасидан Сити Рухайни Жухаятин, Латвия Республикасидан Гиртс Янзёмс, Франция Республикасидан Валид Фук, Россия Федерациясидан Алексей Ерхов, Япониядан Кэндзи Хирата ва Тожикистон Республикасидан Насриддин Исмаиловлар билан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда ўз миссиясини

бошлаётган дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини самимий табриклади.

Ҳозирги беқарор даврда, бутун дунёда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар кескинлашиб бораётган бир пайтда дипломатларнинг иши тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

– Сизлар бир неча ойдан буён юртимизда бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз қандай жадал ўзгаришлар руҳи билан яшаётганига ва жаҳон дипломатия марказларидан бирига айланиб бораётганига шахсан гувоҳ бўляпсиз, – деди Президентимиз.

Хусусан, жорий йилда Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши йиғилиши, Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей ассамблея-

си, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва Халқаро иқлим форуми, ЮНЕСКО Бош конференциясининг тарихий сессияси ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити муваффақиятли ўтказилди.

Сунгги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 13 та резолюцияси қабул қилинди.

Бу йил мамлакатимиз Глобал барқарор ривожланиш мақсадлари индексида 19 поғонага кўтарилди ва охириги 10 йил ичида энг юқори натижаларга эришган бешта давлат қаторига кирди. Кейинги саккиз йилда иқтисодиётимиз икки баравардан кўпроққа ошди. Камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача пасайди.

Очиқлик сиёсати натижасида қарийб 100 та мамлакат учун визасиз режим жорий этилди. Экспорт географияси доимий равишда кенгайиб бормоқда. Бу йил ташқи савдо айланмаси тарихда биринчи марта 66 миллиард доллардан ошди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 39 миллиард долларга етди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлагани учун элчилар вакиллик қилаётган мамлакатлар ҳукуматларига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Греция Республикаси элчисига мурожаат қилар экан, ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги анъанавий ва

истиқболли шерикларидан бири эканини таъкидлади.

Жорий йилда икки томонлама сиёсий маслаҳатлашувлар муваффақиятли ўтказилди. Апрель ойида Тошкентда Греция элчихонаси ўз фаолиятини бошлади.

Йил бошидан бери ўзаро савдо ҳажми 5 баравар ошди. Фармацевтика, енгил ва озиқовқат саноати, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Яқин фурсатда Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва Ўзбекистон – Греция бизнес форумининг самарали бўлишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда) ►

### ■ Муносабат

## МИНТАҚА БИРЛАШУВИ – шунчаки сиёсий мақсад эмас, стратегик зарурат

**Демократик ислохотларни янги босқичга олиб чиқётган мамлакатлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг очиқ бошқарувга асосланган сиёсий тизимини янгилаш борасида изчил саъй-ҳаракатлар йўлидан бормоқда. Жумладан, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ҳам давлат бошқарувини оптималлаштириш натижасида қатор ижтимоий ўзгаришлар юз бераётир.**

Давлатимиз раҳбарининг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласида минтақамизда тараққиётнинг янги ва тарихий аҳамиятига кўра чинакам бирдамлик босқичи бошлангани ҳамда қардош халқлар билан ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини шакллантиришга қаратилган теран фикрлар баён этилган.

Қайд этилганидек, қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш учун давлатлар даражасида зарур шароит яратилган. Бу масалада минтақада барқарор ривожланишни



таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан биргаликда фойдаланадиган умумий макон яратиш мақсад қилинган.

Мазкур жараён умумий кадриятлардан келиб чиқиб,



**Убайдилло МИНГБОВ,**  
**Ўзбекистон судьялари**  
**ассоциацияси раиси,**  
**Ўзбекистонда хизмат**  
**кўрсатган юрист**

минг йиллар давомида оғани бўлиб келган, тарихи ва тақдири туташ халқларимиз Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажагига дахлдор масалаларни баъзилар, ҳамжиҳатлик билан ҳал этаётгани минтақа лидерларининг яқдил фикрга эга эканини билдиради.

(Давоми 3-бетда) ►

## Қонунчиликдаги янгиликлар

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, шу жумладан, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари қафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.**

### ■ Парламент фаолияти



**ХАРИДОР ЭНДИ ЎЗГАРТИРИЛГАН ЁКИ АЛМАШТИРИЛГАН ОДОМЕТР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛАДИ**

Мажлисида дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

(Давоми 3-бетда) ►



**Суд мустақиллиги**  
**КАФОЛАТИ**

**уни янада кучайтириш ва судлар фаолияти очиқлигини таъминлаш — янги босқичда**

**Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир.**

(Давоми 2-бетда) ►



## Ўз латофати

### БАРКАМОЛ СОДДАЛИК

Одатда, шоирлар маҳорат пиллапоояларидан юксалиб, аввал соддаликдан мураккабликка, сўнг мураккабликдан яна соддаликка қараб борадилар. Лекин бу орқага қайтиш эмас. Икки соддалик ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Дастлабки соддалик жўнлик даражасида бўлса, кейингиси баркамоллик саналади. Шеръин соддаликда шухрат қозонган, деб ёзганда Ғафур Ғулом бадиий маҳоратининг юксак босқичини кўзда тутган.

(Давоми 4-бетда) ►

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Индонезия Республикаси билан муносабатлар ҳақида гапирар экан, Президентимиз халқларимизни азалдан тарихий, диний ва маданий алоқалар боғлаб турганини таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан 60 фоизга ошгани таъкидланди. Кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва туризм соҳаларида қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Декабрь ойида тўғридан-тўғри авиарейслар йўлга қўйилади.

Келгуси йили Тошкентда Хукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форуми ҳамда Жакартада сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиши салмоқли натижа беришига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Латвия Республикаси билан муносабатларни муҳокама қилиш чоғида сиёсий ва иқтисодий алоқалар изчил ривожланаётгани, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашганини таъкидлади.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистоннинг Латвияга экспорти ва қўшма корхоналарнинг сони уч баравар ошди. Мамлакатимизда Латвия Инвестициялар ва тараққиёт агентлигининг ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Яқинда Ригада Ўзбекистон маданияти кунлари ва Ректорлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Миграция соҳасида келишув имзоланиши, авиақатновлар кўпайиши ва иқтисодий ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланиш икки мамлакат халқлари янада яқинлашишига хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз Франция Республикаси ҳақида сўз юритар экан, фаол сиёсий мулоқот тўғрисидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади. Ўтган ойда Стратегик режалаштириш гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг март ойида Парижга амалга оширилган олий даражадаги тарихий таширф давомида 10 миллиард долларлик қўшма лойиҳалар бўйича келишиб олинди. Йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 1,2 миллиард доллардан ошди.

Франция тараққиёт агентлиги билан 2030 йилгача ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Ўзбекистон — Франция қўшма университети очилди.

Бу йил Парижда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари ва туризм салоҳияти кўргазмаси халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Келгуси йилда Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашининг биринчи йиғилиши ва Худудлараро форумни ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Россия Федерацияси — Ўзбекистоннинг узоқ йиллик стратегик ҳамкори ва иттифокчиси.

Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 12 миллиард долларга яқинлашди. Мамлакатимизда Россия сармоясини иштирокида 3 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Йил бошидан буён 4 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Россиянинг 15 та олий таълим муассасаси-

нинг филиаллари самарали фаолият юритмоқда.

Жорий йил Парламентлараро комиссия йиғилиши, “ИННОПРОМ” халқаро саноат кўргазмаси, Худудлар раҳбарлари кенгаши, сиёсий маслаҳатлашувлар, Ректорлар форуми, Россия маданияти кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилишини самарали ўтказиш, худудлараро мулоқотни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Япония билан стратегик шериклиكنи кенгайтириш — ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири.

Ўзбекистонда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) ва Нагоя университетининг ваколатхоналари самарали фаолият юритмоқда.

Телекоммуникация, энергетика, соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, таълим ва туризм соҳаларида 8 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Стратегик мулоқотнинг биринчи йиғилиши август ойида, ўтган ой эса, Самарқандда Ректорлар форуми бўлиб ўтди. Осакада “Ехро-2025” кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Миллий куни муваффақиятли ташкил этилди.

Кейинги ой Токиода бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар ва ишбилармон доираларнинг мулоқотлари икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бағишлашига ишонч билдирилди.

Умумий сиёсий ирода тўғрисида сўнгги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифокчилик даражасига кўтарилди.

Чегара масалалари тўлиқ тартибга солинди ва транспорт алоқалари тикланди. Парламентлар, ҳукуматлар, худудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорлик кучайди.

Ўзаро савдо 5 баробардан зиёдага ошиб, 1 миллиард долларга яқинлашди. “Ойбек-Фотехобд” эркин чегараолди савдо зонаси ва “Андархон” савдо-логистика марказининг ташкил этилиши товар айирбошлашни қаррасига оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Саноат, транспорт, геология, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳият борлиги қайд этилди.

Маросим якунида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларга шарафли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади, ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга чакирди, худудлар ва хусусий сектор вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, хорижий дипломатлар самимий қабул ва яратилган шароитлар учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорлиكنи фаол ривожлантириш учун профессионал тажрибаси ва билимларини тўлиқ сафарбар этишга тайёр эканликларини таъкидлади.

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Зеро, айнан шундай ёндашув тўғрисида соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги даврда низоҳатда кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Хусусан, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Маълумки, судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз бўйсунса, масъулиятни чуқур ҳис қилса, бегараз ва холис бўлса, жамиятда адолат ўрнатилади.

Кейинги йилларда суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлашда ҳамда судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, очиқлик ва шаффофлигини таъминлаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширишга эришилгани сир эмас.

Мамлакатимизда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини тубдан ошириш, очиқ ва шаффоф тартиб-таомиллар асосида суд органларини малакали кадрлар билан тўлдириш, аҳолининг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини самарали таъминлаш, суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида, шунингдек, **“Ўзбекистон — 2030”** стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Президентимиз томонидан 2025 йил 24 ноябрда имзоланган **“Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармон, шубҳасиз, бу борада олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқади.

Жумладан, Фармон билан: — судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини ва суд мустақиллигига оид илғор халқаро стандартлар кенг жорий этилишини таъминлаш;

— судьялар корпусини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ушбу жараёнда судьялар ҳамжамияти органлари ролини ошириш ва уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш;

**Бугунги кунда халқимизнинг бутун диққат-эътибори Янги Ўзбекистонни қонун устувор бўлган, коррупциядан холи, адолатли, шаффоф жамиятга айлантиришга қаратилган. Аввало бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди ва изчил такомиллаштириб келинмоқда.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Жумладан, 2024 йил 5 июнда **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги қонун қабул қилингани алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, коррупцияга оид ҳар қандай жиноят билан муроса қилиб



## Суд мустақиллиги КАФОЛАТИ УНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ЯНГИ БОСҚИЧДА

— судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, судьяликка номзодларни танлашнинг шаффоф тартибини жорий этиш;

— суд тизимида аёл судьялар улушини камида 30

лаёқатлили” ва “одоб қоидаларига риоя этиш” талабларининг аниқ мезонлари қонун даражасида белгиланади.

Бундан ташқари Судьялар олий Кенгашининг доимий асосда фаолият юритувчи

оид маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш амалиёти жорий этилади.

Фармон билан Кенгаш фаолиятига замонавий рақамли технологиялар жорий этилади, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва ўр-

“ Суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарликни белгилловчи қонунчилик нормалари суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиладди, Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари ҳамда судьялар ва суд ходимлари куни белгиланади.

фоизга етказиш орқали тизимда гендер тенгликни таъминлаш — суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг устувор мақсадлари этиб белгиланди.

Фармонга кўра, қонунчиликка судьянинг алмаштилмаслигига оид тамойил киритилиб, судьяларни навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинлаш (сайлаш) тартиби бекор қилинади ва судьялик лавозимларига номзодларни дастлаб беш йил муддатга, кейинчалик муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) тартиби белгиланади, туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни аниқ мезонларга кўра, судьялар орасида очиқ танлов асосида танлаш тартиби ўрнатилади, судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда “ҳалоллик”, “касбий

судьялари лавозимига номзодлар тегишли суд судьялари малака ҳайъатлари томонидан тавсия этилиши, бунда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи судьялари лавозимига, қоида тариқасида, судья сифатида камида 7 йил ишлаган судьялар номзоди кўрсатилиши ҳам судьянинг мустақиллиги учун жуда муҳимдир.

Шунингдек, Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида очиқлик даражасини ошириш ва суд бошқарувини такомиллаштириш мақсадида, Кенгашнинг расмий веб-сайтида суд тизимида мавжуд бўш раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига оид маълумотлар ҳамда уларни эгаллаш учун танловда иштирок этиш тартиби, суд тизимида судьялик лавозимлари, шу жумладан, раҳбарлик ва юқори турувчи судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ҳамда тайинлаш бўйича барча босқичларга

ганиш жараёни рақамлаштирилади, бунда судьялик лавозимларига номзодлардан ортиқча маълумотлар талаб этилишига чек қўйиш мақсадида, **“Рақамли ҳукумат”** тизими идораларнинг интеграциялашув платформаси Кенгашнинг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилинади. Шунингдек, судьялар фаолияти самарадорлигини баҳолашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш йўлга қўйилади, судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича судьянинг касбига муносиблигини баҳолашга қўмаклашувчи электрон дастур такомиллаштирилади.

Суд мустақиллиги кафолатларини кучайтириш мақсадида, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жавобгарлиكنи белгилловчи қонунчилик нормалари суд мустақиллигига оид халқаро стандартлар асосида қайта

кўриб чиқиладди, Кенгаш аъзоларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари ҳамда судьялар ва суд ходимлари куни белгиланади.

Судьяга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқишда унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тақдим этиш, куйи судьялик лавозимига ўтказиш интизомий жазо чорасини жорий этиш, интизомий жазо амалда бўлган вақтда юқори судьялик лавозимига тавсия этилмаслик, судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг мезонлари белгиланиши эса, судья мустақиллиги ва жавобгарлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади ва бу тизимнинг шаффоф ва адолатли бўлишига эришилади.

Зеро, судья нафақат муайян суд ишини ҳал қилиш ваколатига эга бўлган мутлақ ҳуқуқли процессуал шахс, балки у, аввало, жамиятда энг обрўли инсондир. Айнан судьянинг маданияти, илм-маърифати орқали одил судловга ҳурмат, Конституция ва қонунлар устуворлиги ҳамда адолатга ишонч шаклланади.

Чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқалигина халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, суддан, пировардида эса, давлатдан рози бўлишига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мумкинлиги сир эмас.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши моҳият-эътибори билан судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда тўлиқ ҳимоя қилишга, бир сўз билан айтганда, мамлакатда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,**  
*жиноят ишлари бўйича*  
*Деҳқонобод тумани*  
*суду раиси*

### □ Жиноятга жазо муқаррар

## Коррупция тараққиёт

кидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик ҳамда мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, икки йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Судланувчи Б.Элмаматов “Жиззах иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи лавозимига 2024 йил 14 ноябрь куни тайинланган. Бироқ нафс измига юрган Б.Элмаматов мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттириш мақсадида порахўрлик жиноятини содир этган.

Воқеа баёни шуки, Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона бюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг бюртмасига асосан “Сангзор таъминот инвест” масъулияти чекланган жамияти томонидан Зомин туманининг “Қайирма” маҳалласи ҳудудида жойлашган Тиббиёт коллежи иситиш қозонхонасида қиймати 163 миллион 761 минг 184,30 сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилган. “Сангзор таъминот инвест” масъу-

лияти чекланган жамияти раҳбари Шербек Жалилов Давлат унитар корхонаси раҳбари вазифасини бажарувчиси Б.Элмаматовга учрашиб, қозонхонада таъмирлаш ишларини бажарилганини айтган ва ушбу объектда синов ўтказиб, далолатнома расмийлаштириб беришни сўраган. Б.Элмаматов қўл остидаги мутахассисларни жалб этиб, синов ўтказиб, унинг асосида далолатнома расмийлаштириб берганида ҳеч бир муаммога ўрин қолмасди.

Ақсинча, у масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Жалиловнинг ўзига иши тушганидан бойиб қолишни ўйлаган ва жиноят кўчасига қадм қўйган. Гарчи объекта тегишли тартибда синов ишлари амалга оширилмаган бўлса-да, қонунга зид равишда 2025 йил 14 март куни ўтиб кетган муддат — 2024 йил 14 ноябрь санаси билан синов далолатномасини расмийлаштиради ва Ш. Жалиловдан хизмати учун 500 АҚШ доллари талаб қилади.

Шундан сўнг Ш.Жалилов бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилади.



## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга, бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларда маънавий имунитетни шакллантириш, уларни қонунга итоаткор руҳда тарбиялаш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш талаб этилмоқда.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, ривожланган хорижий давлатларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жарима жазоларидан ташқари “оғзаки оғоҳлантириш” ва “оғоҳлантириш” жазоси ҳам жорий этилгани, бунда биринчи марта кам аҳамиятли маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларни жаримага тортиш ўрнига, содир этган қилмишининг ижтимоий оқибатларини тушунтирган ҳолда, оғоҳлантириш амалда бундай қилмишларни содир этилишининг олдини олишда юқори натижаларга эришилаётгани кузатилмоқда.

Бундан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланганидан ҳуқуқбузарликлар доирасини белгилаш, шунингдек, йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда маъмурий жазо қўлланилиши муддатларини қайта кўриб чиқиш зарурияти ҳам юзага келмоқда.

Қайд этиш лозимки, жорий йил март-апрель ойларида ҳайдовчиларга 2024 йилда содир этилган қоидабузарлиги учун расмийлаштирилган қарор сервердаги носозликлар сабабли орадан 11 ой ўтгач, юборилганлиги аҳоли орасида ҳақли эътирозларни юзага келтирди.

Чунки амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

декснинг 36-моддасида маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши зарурлиги белгиланган.

Аҳолининг эътирозлари, шунингдек, таклифларини инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари топшириқларига мувофиқ маъмурий

лаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали аниқланганидан ҳуқуқбузарликлар доираси ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун жазо тайинлаш муддатини белгилаш, автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан те-

матлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ушбу кодекснинг 125-моддаси биринчи (хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликка оид қисмида), бешинчи ва олтинчи қисмларида, 128 ва 128 прим моддаларида назарда тутилган маъмурий

шахсга нисбатан бир йил давомида бир мартадан ортиқ қўлланилиши мумкин эмаслиги назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маъмурий оғоҳлантириш ушбу кодекснинг 125-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>, 128<sup>3</sup> 135<sup>1</sup>-моддаларида (транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан, монитордан (дисплейдан) фойдаланиш, тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиш, мажбурий сугурта билан боғлиқ қоидабузарлик ва ҳ.к.) ҳамда 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

**Учинчидан**, янги қонунда йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан, бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Хусусан, йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан, бир ойдан кечиктирмай, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда эса, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилишига, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек, аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

■ *Муносабат*

## МИНТАҚА БИРЛАШУВИ – шунчаки сиёсий мақсад эмас, стратегик зарурат



## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу масалада Президентимизнинг таклиф ва ташаббуслари муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги икки-уч ойда АҚШга икки марта ташриф, ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқандда ўтказилган 43-сессияси, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бунга яққол далилдир. Ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳида ўтказилаётган бу каби саммитлар келгусида минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “**Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан янада жипс ва ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади**”, деган фикри, айниқса, эътиборимни тортди.

Ҳақиқатан, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун ҳамкорликни мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир. Қўшниларимизнинг ютуғидан фохрланасак, улар бизнинг барқарор ривожланишимизни олқишласа, миллий хавфсизлигимизни биргаликда таъминласак, шундагина муштарак мақсадларга эришган бўламиз. Бир тану бир жон бўлиб, биргаликда ҳаракат қилсак, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичига йўл очиб, шу кунга қадар имконсиз деб келинган реал муаммоларни осонлик билан барқарор тартибда ҳал қилишга имконият бера оламиз.

Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан боғлиқ бирор-бир масала очик қолиб кетмаган. Авваллари бизни ажратиб турган йиллар давомида кескинлик манбаи бўлиб келган чегара масалаларининг дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айлангани, келишмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлиб келган можаролари дарё ва булоқ сувларидан эркин, умумий фойдаланишга ўтилгани, қариндош-уруғчилик, қандайдир қўшни мамлакатга бориб келишдаги виза масалалари ҳал этилгани — буларнинг барчаси диллимиздаги ғўборларни ювади.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлган эмас. Унинг ортида мамлакатларимизнинг таъкидлаганидек, бу — ўз-ўзидан бўлган жараён эмас, балки умумий тақдири ва биргаликда тараққий этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир.

Давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари Президентлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириб, Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш борасида ҳали кўп ташаббусларни илгари суради. Бу каби таклифлар фақат янги Ўзбекистон ва унинг халқи учун эмас, балки Марказий Осиёдаги барча халқларнинг умумий мақсади, тинчлиги ва фаровонлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

● **Жиноят ва жазо**

## Ҳожиага ундаган рашк

Бундан уч йил муқаддам – 2022 йилнинг март ойида пойтахтимизда яшовчи Зарифа Эралиева (исм-шарифлар ўзгартirilган) “Нексия-3” русумли автомашинасида енгил йўл транспорт ҳодисасига учрайди. Оқибатда воқеа жойига етиб келган ИИБ йўл патрул хизмати ходимлари томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилади. (Давоми 4-бетда) ▶

■ **Моҳият**

## Йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилишига, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, махсус автомат-

Хусусан, йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда, маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан, бир ойдан кечиктирмай, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда эса, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан эътиборан билан бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги белгиланди.

гишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш ҳақида**”ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, янги қонун билан, **биринчидан**, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 17<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиб, фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этиладиган қоидабузарликларнинг тури аниқ белгиланмоқда.

Жумладан, махсус авто-

ҳуқуқбузарликлар қайд этилиши белгилаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари янги қонун билан киритилаётган қўшимча асосида йўлнинг қатнов қисмидаги чиқиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслик ҳолатлари ҳар қандай махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилмаслиги назарда тутилмоқда.

**Иккинчидан**, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 24<sup>1</sup>-модда тўлдирилиб, маъмурий жазо сифатида маъмурий оғоҳлантириш чораси киритилмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган ушбу қўшимчага кўра, маъмурий йўл ҳаракати қоидабузарликларини биринчи марта содир қилган шахс расмий танбеҳ берилган ҳолда маъмурий оғоҳлантирилиши ҳамда ушбу чора айнаи бир

### ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга муҳим қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилмоқда. Хусусан, автотранспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартiriрилганлиги ёки одометр ускунаси алмаштирилганлиги ҳақида автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин ҳаридорни хабардор этмаслик учун жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганлар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўришда педагог ёки психологнинг иштирок

### Парламент фаолияти

## Қонунчиликдаги янгиликлар

этиши талаби назарда тутилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатларда педагог ва (ёки) психолог иштирокини таъминлаш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) зиммасида бўлади.

Бундан ташқари маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, адвокат ва қонуний вакилга судья ёки мансабдор шахс-

нинг иштирокини рад қилиш ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар белгиланмоқда.

Шунингдек, янги қонун лойиҳасида махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси бир ярим йилгача муддатга тайинлаган бўлса, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш имконияти жазо муддати-



Ўша куннинг ўзида Б.Элмаматов синов далолатномаси учун талаб қилган 450 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ушланади. Коррупцияга дахлдор ана бир жиноят иши тафсилоти билан танишсак. Судланувчи Ўткир Омонбоев Республика Суд-тиббий экспертиза маркази Жиззах вилоят филиали суд-тиббий эксперти лавозимида ишлаб келган. Эгаллаб турган лавозимида кў-

ра, у мансабдор шахс ҳисобланган Ў.Омонбоев ҳам хизмат мавқеидан фойдаланиб, ноқонуний йўллар билан бойлик ортиштирини кўзлаган.

Унинг иш юритишида Жиззах шаҳар ИИБ ЙҲХБ инспектори М.Қодировнинг фуқаро С.Саъдуллаев бошқарувидаги “Нексия-2” автомашинаси билан 2025 йил 13 март куни соат 16-30 ларда шаҳар шоҳкўчасида пиёдалар ўтиш йўлагини кесиб ўтаётган,

2003 йилда туғилган А. Аҳмедовни уриб юбориб, тан жароҳати етказганлиги ҳолати юзасидан тайинланган суд-тиббий экспертиза иши бор эди.

Ў.Омонбоев ўзганинг бошига тушган ташвишдан фойдаланиб қолишни кўзлайди. Ҳайдовчи С.Саъдуллаевдан йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар бўйича унинг фойдасига экспертиза хулосасини енгиллаштириб ёзиб бериш эвазига 200 АҚШ доллар ва яшаш уйи учун 100 долларлик мебель ясаб беришни талаб қилади.

Шундан сўнг Ў.Омонбоев пора тариқасида талаб қилган пулларни таниши, пора олиш-беришда воситачилик қилаётган вилоят патологик анатомия бюроси кичик тиббий ходими Ш.Ҳайдарова орқали олишини айтади. Гўёки, Ш.Ҳайдарова билан ўрталарида олди-бердиси борлигини билдираркан, пулларни унга бериб қўйишни тайинлайди.

С.Саъдуллевнинг аризасига асосан, Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти Жиззах шаҳар бўлими ва Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилди. Ш.Ҳайдарова Ў.Омонбоевнинг топшириғига асосан, Жиззах шаҳрининг Янгиобод кўчасида С.Саъдуллаевдан пора тариқасида талаб қилган

нинг ярми ўтгач, бир ярим йилдан ўй йилгача муддатга тайинланган бўлса, учдан икки қисми ўтгач, тақдим этилиши таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқи эга бўлмаган шахслар тоифаси кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш, суд ишларини қўришда уларни руҳий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган.

### ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

200 долларни олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган.

Суд судланувчи Ў.Омонбоевни Жиноят кодексининг 210-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор топиб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. У икки йил муддатга суд-тиббий экспертиза мусассасаларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

Судланувчи Ш.Ҳайдарова эса, Жиноят кодексининг 25, 212-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, икки йил муддатга озодликни чеклаш жазосини ўташга ҳукм қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ушбу иллат инсон ҳуқуқларининг бузилиши, мамлакат тараққиёти ва жамият равнақида жиддий таъсир этар экан, коррупцияга қарши курашиш, юртимизни коррупциядан холи ҳудудга айлантириш биргина давлат идораси ёки жамоат ташкилотининг вазифаси эмас, балки шу давлат фуқароси, жамият аъзоларига бирдек тегишли бўлган вазифа, масъулият ҳисобланади.

### Ирода МУҲАММЕДОВА,

жиноят ишлари бўйича Бахмал тумани суди тереов судьяси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, “Куч – адолатда” мухбири

#### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўйласам, тиллар тараққиёти ҳам шундай боқичлардан ўтар экан. Дунёда луғат бойлиги мингта сўзга етиб-етмайдиган ибтидоий қабила-лар ҳам, сўз хазинаси миллиондан ошадиган мутараққий миллатлар ҳам бор. Қабила учун мингта сўз етиб ортади, лекин маданияти юксак халқларга миллион ҳам камлик қилиб, бошқа тиллардан сўз оладилар.

Тилларни қиёсий ўрганувчи олим-лар сўз қурилишининг соддалигини, қоидаларнинг аниқ ва изчиллигини, истисноларнинг камлигини муайян тилининг баркамоллиги деб қарайдилар. Бу айни ҳақиқат. Тил тараққий этгани сари чигалликлардан қутулиб борар экан. Шу ўлчов билан тарозу-га қўйсак, ўзбек тили дунёнинг энг ривожланган тиллари қаторида тура-ди.

Баркамоллик сўз ясашнинг содда-лиги, қулайлигиндан бошланади. Биз икки сўзни ёнма-ён қўйиб, ортиқча қўшимчаларсиз янги сўз ясаймиз. Со-пол товоқ, темир йўл, кумуш қошиқ, ёғоч оёқ, тахта кўприк, тилла узук, деймиз-қўямиз. Бошқа тиллардаги каби икки сўз ўртасига воситачи тир-кама қўйиб ўтирмаймиз. Инглизларда ҳам сўз яшаш жуда оддий. Оёқнинг ёнига тўпни қўйиб, футбол сўзини қурганлар. Ўзбекчада оёқ тўп деса бўлади. Лекин рус тилида нога билан мячъ ўзинча бириқолмайди. Уларни қў-шиш учун дастлаб нога сўзини сифат-га, яъни ножнойга айлантириш керак. Энди мячъ сўзининг музаккар ё муан-наслигини, мужской ё женский родда эканини аниқлаш лозим. Охирида юмшатиш белгиси бор сўзларнинг ярми музаккар, ярми муаннас. Буни аниқлашнинг қоидаси йўқ. Мячъ нож-ной бўладими ё ножная? Нега нога сўзи сифат шаклига кириб бок бўлди ва пичоққа айланди? Билмаган одам билмайди. Бундай мураккабликлар тилининг безаги эмас.

Биз ўз тилимиздаги соддалик ва аниқлик қадрига етишимиз керак. Бошқа тилларга тақлид қилиб сўз ясаш қоидасини илмий таҳрирдан ўтказишга ҳожат йўқ. Нон дўкони, кўл соати, қор одами, кўз ёши — ясама сўзлар. Оддий халқ — кўл соат, нон дўкон, қор одам, кўз ёш дейди ва ўзбек тили қоидасига риоя қилади. Қоида яратувчилардан кўра тўғрироқ

#### 🔹 *Тарих тилсимлари*

# Оғиз атофати

айтади. Ахир, билак узуги, ер ёнғоғи демаймиз-ку. Ҳамма бирдай билагу-зук, ерёнғоқ дейди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, буюк темурийзода Заҳириддин Бобур ўз фарзандларига Шохруҳ деб, Ҳин-дол деб исм берганларида туркий ўзбек тилининг ана шу гўзал имкони-ятидан заргарона фойдалана билган-лар.

Ўзбек тилида отлар ва феъллар жинси фарқланмайди. Сўзларнинг музаккар-муаннаси, эркакча-аёлчаси йўқ. Ҳаммаси бир хил. Бу ҳам сўзлаш-ни осонлаштиради. Мен ўзим шунча йил рус тилида муомала қилиб, ҳа-ли-ҳамон родларни адаштираман. Нега день — мужской, ночь — жен-ский родда? Нега октябрь — тёплый, осень — тёплая? Не сабаб дичъ — бошқа, соболь — бошқа жинсда? Мен учун тушунарсиз. Ўз тилимдан қўй-масин, дейман.

Биз бирор калимага оддийгина чи қўшсак, касб-хунар эгасининг номи чиқади. Ишчи, ёзувчи, ўрмончи, бўёқ-чи, асалчи каби. Бундай содда сўз ясаш ҳам барча тилларга хос эмас. Руслар биз санаган атамаларни ра-бочий, писатель, лесник, маляр, пче-ловод дейдилар. Хунар эгаси ясаш-нинг шакли кўпу аниқ қоидаси йўқ. Ҳар бирини ёдлаб олиш керак бўла-ди.

Биз бирор ишга ё воқеага сабаб бўлган одамни сабабчи деймиз. Рус тилида причина бор, лекин бу сўз-дан сабабчи ясаб бўлмайди. Шу боис тўй-тантана сабабчисини ярим ҳазил билан виновник торжества дейдилар.

Жўналиш келишиги ясаш ҳам ўзи-мизда осон. Ҳамма сўзга тиркаса бўладиган га қўшимчамиз бор. Рус-лар уйга кетсалар — домой, ғоша кетсалар — на работу, ишхонага эса — в кабинет. Кавказга бошқа, Боқуга бошқа, далага, овга бир хил, тоғлар-га, дарёга бошқа хил, даволанишга алоҳида, шифохонага алоҳида сўқ-

моқ орқали борадилар. Бу сўқмоқлар-да адашиш ҳеч гап эмас.

Киймоқ ва кийдирмоқ кўпгина тил-ларда бир хил айтилади. Руслар ҳам ҳар икки ҳолатда одевать сўзини ишлатадилар. Бизлар ўзимиз киямиз, бошқага кийдирамиз, иккинчи одамга айтиб учинчи одамга кийдиртирамиз, ҳатто уч кишини ўртада восита қилиб тўртинчи одамга кийдиртиргизамиз. Қани бу ишни бошқа исталган тилда бир сўз билан айтиб кўринг-чи! Овора бўласиз!..

Бу сўзларни сиз ўзбек тилига тенг келадиган тил йўқ экан, деб тушун-манг. "Муҳокаматул луғатайн" ҳам бундай мақсадда ёзилмаган. Баҳси-миз она тилимизнинг кенг имконият-

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, буюк темурийзода Заҳириддин Бобур ўз фарзан-дларига Шохруҳ деб, Ҳиндол деб исм берганларида туркий ўзбек тилининг ана шу гўзал имкониятидан заргарона фой-далана билганлар.

Ўзбек тилида отлар ва феъллар жинси фарқланмай-ди. Сўзларнинг музаккар-му-аннаси, эркакча-аёлчаси йўқ. Ҳаммаси бир хил. Бу ҳам сўз-лашни осонлаштиради. Мен ўзим шунча йил рус тилида муомала қилиб, ҳали ҳамон родларни адаштираман. Нега день — мужской, ночь — жен-ский родда? Нега октябрь — тёплый, осень- тёплая? Не сабаб дичъ — бошқа, соболь — бошқа жинсда? Мен учун тушунарсиз. Ўз тилимдан қўй-масин, дейман.

лари тўғрисида, ҳеч бир тилдан кам эмаслиги устида бормоқда. Очигини айтиш керак, луғат бойлигида биз-дан устун, сарфу наҳви бизникидан мукамал тиллар бор. Абдулла Қо-дирий меҳробдан чаён иборасини русча шаклдан олган. Ўзбекчада меҳ-робдан чиққан чаён бўлиши керак эди. Биз ҳеч вақт қишлоқдан одам, ёки тандирдан патир демаймиз. Қиш-лоқдан келган одам, тандирдан узил-ган патир деймиз. Лекин сўзнинг энг яхшиси энг қисқаси бўлади. Рус ти-лидаги шакл қисқароқ ва соддароқ бўлгани учун Қодирий бобога маъқул келибди. Улуғлар қўйган қадам ал-батта, ўзининг издошларини топар экан. Меҳробдан чаёнга тақлидан ён дафтардан кўчирма, қишлоқдан хуш-хабар, яхшидан ибрат каби сар-лавҳалар қўямиз. Мозийдан садо номли журналимиз бор. Пушкиннинг машҳур шеърини Қуръондан иқтибос деб таржима қилганмиз.

Ўзбек тилининг яна бир фазила-ти — маънодош сўзларга бойлиги. Бошқа бир муқобили йўқ калимани топиш қийин. Бу сифат илмда тавто-логия деб аталувчи меъдага тегади-ган қайтариқларнинг олдини олади. Ҳозиргина сўз деган сўзни такрор айтмаслик учун калима дедик. Суҳан десак ҳам бўлади. Бошқалар, маса-лан, тил мавзусида рисола ёзсалар, тил деган сўзни жонга теккунча қайта-радилар. Чунки уларда бу тушунчани билдирувчи бошқа истилоҳ бўлмай-ди. Биз тил ҳам, лисон ҳам, забон ҳам дейишимиз мумкин.

Тилимизда шаклдosh сўзлар ҳам бисёр. Тур сўзида юз тур маъно ва маъно ранглири бор. Ўрнингдан тур, жойингда тур, сўзингда тур, ҳали шошмай тур; махсулот тури, турлича ҳолат, турланадиган одам; мусобақа-нинг биринчи, иккинчи тури; Тур тоғи; сарфу наҳв истилоҳи — турланиш ва тусланиш... Ёки бор сўзининг рангин-лигига қаран! Мактабга бор, вақтинг бор, неча бор айтдим... Мумтоз ада-биётда бор сўзининг юк маъноси ҳам бор. Бори дил деб дил юки, қалб из-тироблари айтилади. Сарой маъмур-лари бор аҳли дейилди. Бор — ме-вани ҳам, ижозатни ҳам, ёғдирувчини ҳам англатади. Зулфи анбарбор де-ганда, хушбўй анбар таратувчи сочни тушунади.

(Давоми кейинги сонда)

#### ◀ (Бошланиши 3-бетда)

Шундан сўнг автомашина устакхонага олиб бориш учун эвакуаторга юкланади. Йўл-да кетаётиб, З.Эралиева эва-куатор ҳайдовчиси Ихтиёр Исомов билан танишиб қола-ди ва ўзаро телефон рақам-ларини алмашишади.

Орадан бир неча кун ўтгач, З.Эралиева автомашинаси-ни устакхонадан олиб кета-ди. Аммо транспорт восита-си одатдагидан бошқачароқ ҳаракатланаётгани боис усталарнинг ишидан кўн-гли тўлмайди. Бинобарин, у И.Исомовга кўнгироқ қилади.

— Бу усталарнинг иши менга ёқмади. Яна бир талай эҳтиёт қисмлари сўрашапти, — дейди норози овозда.

— Бошқа таниш устала-рим бор, ўша ерга олиб бо-рамиз, — дейди эвакуатор ҳайдовчиси.

И.Исомов ўша куннинг ўзида З.Эралиеванинг авто-машинасини Мирзо Улуғбек туманида жойлашган авто-мобилларни таъмирлаш устакхонасига олиб боради. Бу устакхонада усталар автома-шинани кўнгилдагидек таъ-мирлаб беришади. Бунинг учун З.Эралиева И.Исомовга ҳам миннатдорчилик билди-ради.

Шундан сўнг З.Эралиева билан И.Исомов телефон орқали тез-тез гаплашиб ту-ришади. Охир-оқибат эса уларнинг ўртасида яқин муносабат пайдо бўлади. З.Эралиева ёлғиз аёл эди.

Орадан беш-олти ой ўт-

#### ■ Жиноят ва жазо

# Фожуага ундаган рашк

гач, уларнинг ўзаро муно-сабатидан И.Исомовнинг рафиқаси К.Исомова хабар топади. Аниқроғи, у эрининг қадам олиши ўзгариб, уйга тун ярмида қайтадиган одат чиқаргани, баъзан турли хил бахоналар билан умуман келмай қолишидан шубҳа-ланади. Бинобарин, К.И-сомова яширинча эрининг уяли телефон апаратини текшириб кўради. Оқибатда ижтимоий тармоқнинг "Те-леграм" иловасида И.Исо-мовнинг З.Эралиева билан қаҳвахона ва ресторанларда бирга ўтиргани, шунингдек, уларнинг бир-бирига севги изҳор қилиб, кўнгилхушлик қилиб юришгани акс этган видеолар ва аёлнинг ахлоқ-сиз суратларига кўзи туша-ди. Табиийки, бундан К.Исо-мованинг фиғони фалакка чиқади ва қўллари титраб, З.Эралиевага кўнгироқ қила-ди.

— Эрим билан қачондан буён танишсиз, — дейди у дағдаға билан.

— Эринг менга керак эмас, — дейди З.Эралиева ўзини оқлаб. — Керак бўлса йиғиштириб ол.

— Сиз билан кўришиб, гап-

лашиб олсак, бўладими? — сўрайди К.Исомова.

— Мен ҳозир йўлдаман. Самарқандга кетаялман, — дея З.Эралиева учрашишни рад этади.

Аммо К.Исомова барибир ўзини босолмайди, у ўша заҳотиёқ эрини сўроққа тута-ди.

— Бўлмаган гап, — дея эри айбини тан олмайди. Ўз навбатида, у хотинига дўқ-пўпса қилади: — Сен нега рухсатсиз телефоним-ни титқиладинг? Хали шош-май тур, кўлингни синдира-ман...

Гап шундаки, ўша пайтда К.Исомова огироеқ эди. Шу-нинг учун эрининг хиёнати, оиладаги машамалардан асаби қаттиқ бузилиб, касал-хонага тушиб қолади. Аммо И.Исомов Зарифа билан учрашишдан ўзини тиймай-ди. Бундан баттар эзилган К.Исомова яна З.Эралиевага кўнгироқ қилади.

— Аёл сифатида менинг аҳволимни, касал эканим-ни тушунинг, илтимос. Сиз эримни қақирмасангиз, кўли-дан ҳеч нарса келмайди, — дейди йиғлаган кўйи.

Аммо ўзининг хою-ҳава-



сидан бошқа нарсани ўйла-майдиган З.Эралиева унинг гапларига парво қилмади. Охир-оқибат К.Исомова аламдан ўзини қаерга қўйиш-ни билмай З.Эралиевадан уч олишни ўйлайди. Яъни у эри-нинг телефон рақами орқали "Instagram" ижтимоий тар-моғида З.Эралиева номига янги профил очади. Сўнгра ушбу профил орқали аёлнинг ахлоқсиз суратларини тарқа-тиб юборади. Қарабсизки, кўп ўтмай З.Эралиеванинг суратлари "Instagram" фой-даланувчилари ўртасида жиддий муҳокамага айлана-ди.

Аммо З.Эралиева негадир аввалига бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демайди. Фақат кейинчалик ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идорага мурожа-ат қилади. Бинобарин, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилади.

Суд-лингвистика экспе-ртизаси хулосасига кўра, К.Исомованинг ҳаракатлари инсон шаъни ва кадр-қимма-тини камситувчи ҳолат экан-лиги тасдиқланади. Шу боис жиноят ишлари бўйича Мир-зо Улуғбек туман суди К.Исо-мовани Жиноят кодексининг

141<sup>3</sup>-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди.

Таъкидлаш керакки, бу қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳи-собланади. Жиноят кодек-сининг 64-моддасига кўра, бу тоифадаги жиноят содир этилган кундан бошлаб, икки йил ўтган бўлса, шахс жа-вобгарликдан озод этила-ди. К.Исомова З.Эралиева-нинг суратларини 2023 йил 30 сентябрь кuni ижтимоий тармоқда тарқатган. Шун-дан келиб чиққан ҳолда суд К.Исомовани айбдор деб то-пиш баробарида кодекснинг юқоридаги моддаси асосида жазодан озод қилди.

Албатта, жазодан озод қилингани судланувчига қил-мишдан тегишли хулоса чиқариб олиши учун берил-ган бир имкониятдир.

Аммо И.Исомов ва З.Эра-лиеванинг хатти-ҳаракатини мутлақо оқлаб бўлмайди. Айниқса, И.Исомовнинг хиё-нат кўчасига қадам босгани оиласига нисбатан масъули-ятни ҳис этмаслиги, ахлоқий мезонларни кўр-кўрона топ-ташини кўрсатади.

Холбуки, оила — муқаддас даргоҳ. Оиланинг устуни — эр ва хотин аввало намуна-ли одоб-ахлоқи, масъулият ва жавобгарлиқни чуқур ҳис этиши билан фарзандларга ибрат бўлиши лозим.

**Баҳромжон БЕРДИЕВ,**  
*жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси*

#### ■ Мулоқот

# Савод беринг, жавоб берамиз

— Мен бир юк ташиш хизмати билан шугуллана-диган компания орқали уйимга юк жўнатган эдим. Лекин бу юк йўлда йўқолибди. Мазкур компания бу-нинг учун товон пули тўлаши керакми? Мен улар-га нисбатан қандай қонуний чора кўришни талаб қилишим мумкин?

**Т. АШУРОВ,**  
*Жиззах вилояти*



— Аввало, шартнома бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширил-ган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга топши-риш, юк жўнатувчи эса, юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳа-ни тўлаш мажбуриятини олади.

Хусусан, Фуқаролик ко-дексининг 721-моддаси-га кўра, агар ташувчи юк ёки багажнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикаст-ланишида ўзининг айби йўқлигини исбот қилиб бера олмаса, ташиш учун қабул қилиб олган юк ва багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки уларга шикаст етказилганлиги учун жавобгар бўлади.

Юк ёки багажни ташиш пайтида етказилган за-рар ташувчи томонидан қуйидаги миқдорда қоп-ланади:

— юк ёки багаж йўқол-ган ёхуд кам чиққан тақ-дирда — йўқолган ёки кам чиққан юк ёхуд ба-гажнинг қиймати миқдо-рида;

— юк ёки багажга шикаст етказилган тақ-дирда — унинг қиймати қанча пасайган бўлса, шунча сумма миқдори-да, шикастланган юк ёки багажни тиклаш мумкин бўлмаганида эса, унинг қиймати миқдорида;

— баҳосини эълон қилган ҳолда ташишга топширилган юк ёки ба-гаж йўқолган тақдирда — юк ёки багажнинг эълон қиймат миқдорида за-рарни қоплашни талаб қилишингиз мумкин.

Транспорт ташкилоти

— Ахборот технологиялари хизматлари бўйи-ча тендерда ятиб чиқиб, шартномавий мажбури-ятларимизни тўлиқ бажардик. Бироқ буюртмачи ташкилот тўловни 30 кун ичида амалга ошириши керак бўлса-да, уч ойдан бери тўламай, турли баҳо-наларни келтирмоқда. Айтинг-чи, бундай вазият-да тўловни суд орқали ундирса бўладими?

**Ғ. АНВАРОВ,**  
*Фаргона вилояти*

— Сизнинг саволингиз-га жавобан шунини айтиш керакки, амалдаги "Ўўжа-лик юритувчи субъект-лар фаолиятининг шарт-номавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига кўра, тузил-ган ҳўжалик шартнома-лари бўйича шартнома тузувчилар зиммаларига олинган мажбуриятлар-ни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Шунингдек, ушбу қо-нуннинг 24-моддасида бир томон шартнома мажбуриятларини ба-жармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳар бир томон ик-кинчи томонга етказил-ган ҳар қандай зарарни қоплаши шарт экани белгилаб қўйилган. Агар қонунчиликда ёки шарт-

номада бошқа тартиб назарда тутилган бўлма-са, ҳўжалик шартнома-ларини бажармаганлик ва лозим даражада бажар-маганлик учун ушбу қо-нуннинг 25 — 32-модда-ларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Қисқаси, етказиб бе-рилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаган-лик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтка-зиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоринда, ама кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизи-дан ортиқ бўлмаган миқ-дорида пеня суммасини ундириш тўғрисида суд-га даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи-га эгасиз.

Саволларга Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси Зилола РАҲМАНОВА жавоб берди.

#### МУАССИС:

### Ўзбекистон Республикаси Олий суди

#### Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



#### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ  
Алишер УСМАНОВ  
Олимжон ИСМАИЛОВ  
Шухрат ПОЛБАНОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ  
Жамшид САДИНОВ  
Муродулло ҚОДИРОВ  
Замира ЭСАНОВА  
Азиз АБИДОВ  
Бобомурод РАЙИМОВ

#### Сахифаловчи:

Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Манзиллери: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29** E-mail: kuch-adolata@mail.ru  
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.  
Сотувда эркин нархда. Адади: 3055  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20<sup>30</sup>, Топширилди: 22<sup>10</sup>.